

ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Абдуллаева Ойбарчин Бекмуродовна Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты А.Орипов, Олтинсой туман Кенгаши депутаты М.Хужанов туман Кенгаши котибияти билан ҳамкорликда 2023 йил 31 март куни “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш ҳамда референдум ўтказилиши бўйича туман ички ишлар бўлими ходимларига семинар ўтказилди.

Семинарда Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституцияси ва унга киритилаётган ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот берилди.